

*Художник*  
АЛИШЕР НАВОЙ НОМИДАГИ ДАВЛАТ АДАБИЁТ МУЗЕЙ  
ГОСУДАРСТВЕННЫЙ МУЗЕЙ ЛИТЕРАТУРЫ им. АЛИШЕРА НАВОИ

## ЗАХИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР

— · 1483-1530 · —

## ЗАХИРИДДИН МУҲАММАД БАБУР



Бобур портрети. Шамот. Автор Р. Авекян.  
Портрет Бабура. Шамот. Автор Р. Авекян.

Ким ёр анга илм толиби илм керак.  
Ўргангали илм толиби илм керак.  
Мен толиби илму толиби илм йўқ,  
Мен бормен илм толиби, илм керак.

Заҳириддин Мухаммад Бобур атоқли давлат арбоби, истеъододли шоир, адаб, тарихчи, олим, шу билан бирга таржимондир.

Бобур кенг ва чуқур билимли ҳамда ажойиб истеъододли, замонасанининг улкан маданият арбобларидан бўлиб, у доимо илм-фан, санъат ва адабиёт аҳллари билан яқиндан алоқа тутар, уларга ҳомийлик қилиб, турли илмий, адабий сұхбатлар ва мунонозаралар үштирадар эди.

Бобур ўзбек класик адабиётининг, айниқса Алишер Навоийнинг бой адабий меросини ўрганади. Ўзбек ва форс-тоҷик тилларида янги, оригинал шеърлар яратади. Бизгача Бобурнинг иккита девони етиб келган.

Бобур лирикаси ўзининг ҳәтийлиги, тараққийпарварона фикрларни ифодалиши, бадиий соддалиги, жўшқинлиги ва тил бойлиги билан ўзбек дунёвий адабиётининг тараққиётига катта ҳисса бўлиб қўшилди. Ғазал, рубоий ва туюқ Бобур лирикасининг энг характерли жаңрларидир. Ҳәтга муҳаббат, ёр ва диёр севгиси, ҳижрон ва ғурбат дарди, бадбинлик ва таркидунчалик устидан кулиш, яхши ҳулқ-одоб ва маърифат тарғиби — Бобур лирикасининг тематик доирасини ташкил этади. Бобур Лутфий, Навоий, Хайём ва Ҳофиз каби устоз шоирларнинг традицияларини давом эттиради, ривожлантиради, назиралар ва мухаммаслар яратади.

Бобурнинг энг йирик асари бўлган «Бобурнома» уни бутун дунёга таниди. «Бобурнома» тарихий-бадиий асар бўлиши билан бирга ўзбек прозасининг қимматли ёдгорлиги ҳамдир. Шу билан бирга, у география, этнография, табииёт, ҳалқ медицинаси ва бошқа илмий соҳалар бўйича ҳам қимматли маълумотлар берувчи асар, ўзбек адабий тилининг муҳим ёдгорлигидир.

Бобур 1503—1504 йилларда «Хатти Бобурий» деб номланган алифбе яратади. Алифбенинг вужудга келиши ва тилга мувоғиқлаштириш тоғасининг туғилиши катта прогрессив ҳодиса эди. Унинг муҳим томони шундаки, алифбеда унлилар «зерзабар» тарзидаги белгилар билан эмас, балки маҳсус ҳарфлар шаклида берилган.

Бобур илм-фанинг турли соҳаларига доир бир неча қимматли асарлар яратди. Шулардан бири аruzга доир «Муфассал» («Муҳтасар») деб номланган рисоласидир. Рисола аruz назариясини бойитади ва тўлдиради.

«Мубайин» асари қонуншуносликка бағишлиланган бўлиб, маснавий формасида ёзилган.

Бобур, шунингдек, бизгача етиб келмаган музика назарияси ва ҳарбий санъатга оид асарлар муаллифидир.

Бобур ўз даврининг барқамол фарзанди ва қомусий ақлга эга шахс бўлган. У ўзининг ғайрат-шижоати, ўтқир ақли, нозик таъби, фаолиятининг кўпқирралилиги билан кишини ҳайратда қолдиради.

Қисқаси, Бобур жаҳон адабиётининг улуғ намоёндаларидан биридир. У ўлмас асарлари билан жуда кўп ҳалқларга манзур бўлди, бадиий адабиёт тараққиётига самарали таъсир этди.






Бобур тасавурида Фарғона.  
Фергана по представлению Бабура.

Бобур жангда. Автор В. Нечаев.  
Бабур в бою. Автор В. Нечаев.

Бобур асарлари.  
Произведения Бабура.



Кто желает быть ученым, знания тому нужны,  
Чтоб в науках стать смышленым, знания, умы нужны.  
Для меня, кто ищет знанья, мало знаний на земле,  
Жажду быть я умудренным, знанья потому нужны.

Захириддин Мухаммад Бабур — крупный государственный деятель, историк, ученый. Наряду с этим он был великолепным поэтом, прозаиком и переводчиком.

Обладая глубокими знаниями и удивительным талантом, Бабур являлся одним из видных деятелей культуры своей эпохи, всегда был в близких отношениях с поэтами, учеными, зодчими и художниками. Вместе с ними он принимал деятельное участие в традиционных поэтических состязаниях и научных литературных диспутах.

Бабур изучил узбекскую классическую литературу и, особенно, богатое литературное наследие Алишера Навои. И сам стал создавать оригинальные стихи на персидско-таджикском и узбекском языках. От Бабура до нас дошли два стихотворных дивана.

Своей жизненностью, выражением прогрессивных мыслей, художественной простотой, возвышенностью и языковым богатством лирика Бабура явилась большим вкладом в развитие узбекской классической литературы. Газели, рубаи и туюги — характерные жанры в лирике Бабура. В своих газелях, рубаи и двустишиях поэт воспевает любовь и верность, красоту возлюбленной, говорит о радости свидания и страданиях разлуки, сетует на свою участь, рассказывает о своей драматичной жизни. Творчество Бабура продолжает и развивает лучшие традиции классической восточной поэзии, заложенные Лутфи, Навои, Хайяном и Хафизом. Он создает оригинальные назиры и мухаммасы.

Первое место среди его произведений занимает «Бабур-наме». «Бабур-наме» — в высшей степени своеобразный исторический документ. В этой книге, посвященной описанию приключений автора, значительное место занимает характеристика окружающей природы, растений и животных. «Бабур-наме» — великолепный памятник прозы на узбекском языке.

Бабур является автором особого алфавита, основанного на арабской графике и приспособленного к звуковому строю узбекского языка путем введения дополнительных знаков и букв для обозначения гласных звуков, называемого «Хатти-Бабури» (1503-1504). Возникновение идеи создания алфавита явилось большим прогрессивным событием.

Перу Бабура принадлежит целый ряд произведений, относящихся к различным отраслям науки. Одно из них — «Муфассал» («Мухтасар») посвящено науке об арузе. Трактат обогащает и дополняет теорию аруза.

Книга «Мубайин» посвящена законоведению и написана в стихотворной форме месневи.

Бабур также является автором не дошедших до наших дней трактатов в области теории музыки и военного искусства.

Бабур был разносторонне одаренной личностью и энциклопедическим мыслителем своей эпохи. Он поражает нас энергией, острым умом, утонченным вкусом.

Таким образом, Бабур является одним из представителей мировой литературы. Своими бессмертными произведениями он стал близким народам мира, оказал плодотворное влияние на развитие художественной литературы.



«Бобур портрети» миниатюрасидан фотонусха.  
Фотокопия с миниатюры «Портрет Бабура».





Бобур портрети. Автор Ф. Сайдалиева.  
Портрет Бабура. Автор Ф. Сайдалиева.





Бобур портрети. Чеканка. Автор О. Азизов.  
Портрет Бабура. Чеканка. Автор О. Азизов.

ИНСТИТУТ РУКОПИСЕЙ АКАДЕМИИ НАУК УЗБЕКСКОЙ ССР

ЗАХИРИДДИН МУХАММАД БАВУР

Проспект

Составитель Б. Валиев

Редактор Н. Раҳманов

Художник Г. Жирнов

Худ. редактор Г. Аксенов

Техн. редактор Г. Ломиворотова

Сдано в набор 14.02.83. Подписано к печати 6.04.83. Р-04101.

Формат 60×100<sup>1/4</sup>Усл. печ. л. 0,28.

Уч.-изд.л. 0,85. Тираж 50000. Заказ № 372. Цена 25 коп.

Ордена Трудового Красного Знамени  
типолиграфия Издательства ЦК Компартии Узбекистана  
г. Ташкент, ул. «Правды Востока», 26.

© Издательство ЦК Компартии Узбекистана, 1983